


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ**

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЁШЛАРНИНГ БЕРУНИЙ АКАДЕМИЯСИ



**“ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ”**

Республика илмий анжумани

МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ

I қисм

ТОШКЕНТ 2015

Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни. // Республика илмий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент, ТошДТУ, 2015. I - қисм.

Анжуман иқтидорли ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини баҳолаш, ёш тадқиқотчилар олиб бораётган илмий изланишлари натижаларини таҳлил қилиш ҳамда техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш, ёшларни илмий-тадқиқот ишларида янада фаолроқ иштирок этишлари учун рағбатлантириш, мустақил ижодий фикрлайдиган етук илмий ходим сифатида шаклланишларига шарт-шароитлар яратиш, комил инсон ва баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида ташкил қилинган.

Ушбу тўпلامга анжуманда иштирок этган иқтидорли ёшларнинг Энергетика ва энергия тежамкорлик, Геология ва кончилик иши, Нефть ва газ, кимёвий технология ва саноат экологияси ҳамда Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва менежменти йўналишларида олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича маърузалари киритилган.

Анжуман материаллари талабалар, магистрантлар, ёш олимлар ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассисларга ҳам фойдали манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тахрир хайъати: проф. Сайдахмедов Р.Х., проф. Норкулова К.Т., проф. Аллаев К.Р., проф. Пирматов Н.Б., проф. Носиров У.Ф., проф. Турсунходжаев М.Л., доц. Короли М.А., доц. Бадалов А., доц. Халисматов И., доц. Сафаев У.А.

Масъул муҳаррир: т.ф.н. Мирзахмедов Б.Х.

Тақризчилар: проф. Исаходжаев Б.А., проф. Бакиев А.Р., и.ф.д. Бурханов А.У. доц. Халисматов И., т.ф.д. Гайибов Т.Ш.

Роль интеллектуальной молодежи в развитии науки и техники. // Сборник докладов республиканской научной конференции. – Ташкент, ТашГТУ, 2015. Часть I.

Конференция организована в целях оценки интеллектуального потенциала одарённой молодежи, анализа результатов проводимых научных поисков молодых исследователей, внедрения в производство результатов технических проектов и инновационных разработок, поощрения молодежи для более активного их участия в научно-исследовательских работах, создания условий для формирования молодежи как самостоятельных, творчески мыслящих, высококвалифицированных научных сотрудников, а также воспитания гармонично развитого поколения.

В сборник включены материалы участников конференции - доклады одаренной молодежи, подготовленные по результатам научных исследований по направлениям: энергетика и энергосбережение, геология и горное дело, нефть и газ, химическая технология и промышленная экология, экономика и менеджмент производства.

Материалы конференции предназначены для студентов, магистрантов, молодых ученых а также могут служить в качестве полезных источников для специалистов сферы науки, образования и производства.

Редакционная коллегия: проф. Сайдахмедов Р.Х., проф. Норкулова К.Т., проф. Аллаев К.Р., проф. Пирматов Н.Б., проф. Носиров У.Ф., проф. Турсунходжаев М.Л., доц. Короли М.А., доц. Бадалов А., доц. Халисматов И., доц. Сафаев У.А.

Ответственный редактор: к.т.н. Мирзахмедов Б.Х.

Рецензенты: проф. Исаходжаев Б.А., проф. Бакиев А.Р., д.э.н. Бурханов А.У. доц. Халисматов И., д.т.н. Гайибов Т.Ш.

Ходжаева С.И., Сафаев У. Йирик саноат шахарларининг инсон саломатлигига таъсири.....	283
Орипова Н.Ф., Шамансуров С.С. Нефтни қайта ишлаш заводларининг оқова сувларини тозалаш	285
Валиева М.А., Аюбова И.Х. Республикада кўмир саноати тармоқларини ривожлантириш ва ундан фойдаланишда экологик муаммолар	287
Рустамова С.Р., Кулдашева Ш.А. Ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда учувчан тузли кумларни кимёвий мустаҳкамлаш.....	289
Ниёзматова Г.М., Расулева П.Х. Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда комплекс ёндашув	291
Нурмухаммедов Д.М, Амиркулов Н.С. Маҳаллий хом-ашёлар асосида модификацияланган полифункционал сирт-фаол моддалар олиш.....	293
Нурмухаммедов Д.М, Бозоров Ж.Т. Маҳаллий полиминерал тупроқлардан янги таркибдаги бурғилаш эритмаларини олишнинг ўзига хослиги.....	294

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ

Айтбаев А.И., Бурханов А.У. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари.....	296
Аскарлов А.Р., Мирсаидова Ш. Жаҳон бозорида ўзбек автомобиль саноатининг рақобатбардошлигининг ривожланиши.....	299
Отегенов М.П., Абдурашидова М.С. Фаол инвестициявий фаолият – давлат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши гарови.....	303
Исламова М., Гаипова М.Т. Ўзбекистонда энергия тежамкор лампалар бозорининг маркетинг таҳлили	306
Абдурашитова Я., Аллаева Г.Ж. Ўзбекистон Республикаси электроэнергетика корхоналарида инновацион жараёнларининг иқтисодий самарадорлиги.....	310
Расулев А.Х., Абдукаримов А.Х. Чиқиндилар муаммоси ва уларни қайта ишлаш чоралари	313
Закирхужаева М., Якубова Д.М. Саноат корхоналари маҳсулоти экспортининг маркетинг стратегияси.....	316
Кахаров Ж., Хашимова С.Н. Саноат корхоналарида маркетинг самарадорлигини аниқлаш йўллари.....	318
Умаров Э.Ғ., Бегмуллаев О.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун маркетинг дастурини ишлаб чиқиш.....	320
Қутфидинов А., Ташходжаева М.Д. Кичик бизнесда маркетинг фаолиятининг самарали ташкил этиш йўллари.....	322
Давлатова М.А., Бурханов А.У. O'zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda investitsiyalarning ahamiyati	324
Мўминова Д.С., Досметова З.Ш. Бозор иқтисодиёти шароитида мебель ишлаб чиқаришда дизайннинг роли.....	326
Давлатова М.А., Бурханов А.У. Ўзбекистонда ижтимоий корхоналарни ташкил қилиш ва уларни ривожлантириш.....	328
Боймуротова Н.У., Хасанова О.Т. Саноат чиқиндиларининг материаллар, қурилиш бинолари ва инструментларга таъсири.....	333
Таваккалов С., Муратова О.М. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида рақобатбардош муҳитнинг ўрни.....	335
Эшмурадов К., Турсунова Н.Х. Саноат корхоналарининг бошқарув тизимида маркетинг аудити.....	338

СТБФ талабаси Э.Ғ.Умаров,
илм. рах. кат. ўқит. О.И.Бегмуллаев, ТошДТУ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН МАРКЕТИНГ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустақамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда”, деб таъкидлаб ўтдилар.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун маркетинг дастури эса, бу корхонанинг умумхўжалик фаолиятини директив режасини тузиш учун стратегик тавсияномадир ва юқори бошқариш бўғини учун қарор қабул қилиш асосидир. Маркетинг дастурининг асосий мазмуни - бу корхонани ўтган даврдаги фаолият натижалари бўлиб, унда мақсадли бозорни ривожланишини қисқа таҳлили ва башорати, фирмани ривожланишининг асосий мақсади, бозордаги хулқ-атворини стратегик йўли, товар, нарх, сотиш ва рағбатлантириш сиёсатларининг чора-тадбирларини, маркетинг тадқиқотларининг мазмуни, харажатлар смэтаси, маркетинг ҳаракатлари самарадорлигини олдиндан баҳолаш, маркетинг дастурини амалга ошириш бўйича назорат чора-тадбирлари ва ҳаракатлари берилади.

Маркетинг дастури маркетинг комплекси тадқиқотлари ва фирманинг ўз имкониятларини баҳолаш асосида тузилади. Дастур тавсияли характерга эга бўлсада, компанияни стратегик режалаштиришда зарур босқич сифатида кўрилади. Фирмалар фаолиятининг замонавий шароитда маркетинг дастури компаниянинг юқори бошқарув бўғини (жорий режалаштириш, директив режалар, стратегик дастурлар, стратегияни танлаш) даражасига асосланиб бошқарув қарорларини қабул қилиш зарурдир.

Маркетинг дастурини стратегик йўналиши бозордаги мавқейидан ва корхонани ўз ҳолатининг боғлиқлигига қараб ўз ичига турли вариантларни олади.

Стратегиялар диверсификацияси тадбиркорлик фаолиятини сегментациялаш, ҳужум ва ҳимоя стратегиялари бўлиши мумкин.

Маркетинг дастурини ишлаб чиқаришда кўп вариантлик тамойиллари ишлатилади. Хизмат тузилишига кўра маркетинг дастури ва режасини бир неча вариантларга бўлиш мумкин: икки ёки уч, яъни минимал, оптимал ва максимал турлари бўлади. Дастурни минимал варианты, дастурни оғир (ёмон) шароитларда ривожлантиришни, максимал

вариантида эса яхши шароитларни ривожлантиришни кўзда тўтади. Масалан, Япония фирмалари маркетинг дастури ва режасини минимал вариантини назарда тутиб, уни амалга оширишда ҳақиқий муваффақиятга иқтисодий ва ижтимоий ҳамда психологик самарани олишни мақсад қилиб қўйишади. Шунингдек, дастурни ўртача ёки оптимал вариантлари кенг тарқалган.

Корхона ва ташкилотларнинг маркетинг фаолиятини, шу жумладан, маркетинг дастури самарадорлигини аниқлашда товарлар айланиши, эҳтиёжни қондириш, рентабеллик даражаси, фойда, фондлар сигими каби комплекс кўрсаткичлардан фойдаланиш керак. Бунда, биринчи навбатда, маркетинг тизимининг асосий фаолияти ва мақсадидан келиб чиқиб, харидорлар эҳтиёжини ҳар тамонлама ва тўлиқ қондириш масаласи қўйилиши керак.

Маркетинг дастурининг самарадорлиги, нафақат, эҳтиёжни тўлиқ қондириш билан эмас, балки бу мақсадга эришиш учун қанча харажат қилинганлиги ва ундан олинган даромад, фойдани ҳам ўзида акс эттирмоғи лозим.

Фирма турли маркетинг дастурларини ишлаб чиқади, йўналишига қараб маркетинг дастури юқори ва пастки бўғин учун бўлиши мумкин. Агар дастур юқори бўғин учун бўлса, у қисқа ва лўнда тузилган бўлиши лозим. Чунки унда муҳим томонлари ажратиб кўрсатилади. Пастки бўғин учун тузилган дастурларда эса ҳар бир савол ёритиб берилади.

Муддатига қараб маркетинг дастурлари қисқа, ўрта ва узок муддатли турларга бўлинади. Айрим фирмалар эса икки ёқлама дастур тузадилар, яъни узок муддатли ва қисқа муддатли дастурлар.

Қамраб олаётган вазифасига қараб оддий ёки мақсадли дастурларга бўлинади.

Оддий маркетинг дастурлари фирмани ишлаб чиқариш, сотиш фаолияти билан барча функцияларни саволларини ечишга йўналтирилади. Мақсадли дастурда эса янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сегментни ўзлаштириш, фирма сиёсатини рағбатлантириш самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Ишлаб чиқариш бўлими бўйича маркетинг дастури қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўяди:

- товарлар сиёсатини ҳисобга олган ҳолда чиқарилаётган маҳсулотни зарурий номенклатурасини аниқлаш;
- инновация бўйича қарорни асослаш;
- чиқарилаётган маҳсулот сифати ва техник даражасини ошириш бўйича қарор қабул қилиш;
- товар ишлаб чиқариш тузилишида ҳар бир маҳсулот улушини ўрнатиш;
- ишлаб чиқаришни устивор йўналишлари бўйича харажатларни умумий ҳажми ва уларни тузилишини ҳисоблаш;
- молиялаштириш манбаларини топиш;
- ишлаб чиқаришни моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини ҳисоблаш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш ва фойдани башорат қилиш.

Ишлаб чиқариш бўлими бўйича маркетинг дастури фирманинг тўлиқ ички режалаштириш ва ишлаб чиқариш режасини ҳисобга олувчи оптималлаштирилган кўрсаткичларни ўз ичига олиши лозим.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. ТОШКЕНТ: “ЎЗБЕКИСТОН”, 2014. – 12-13 б.